VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИДА ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Мансуров Саидхўжа Камалович

Базовый докторант Ташкентский государственный экономический университета

Mansurov Saidkhodja Kamalovich

Basic doctoral student of Tashkent State University of Economics

Аннотация

Ушбу мақолада мамлакатимиз ҳудудларида пахта-тўқимачилик кластерларининг иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ҳамда Республиканинг ривожланган вилоятларнинг бошқариш усулидаги илғор тажрибалари ва уларни бошқа вилоятларда қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар

тайёр маҳсулотлар, тўқимачилик кластерлари, трансформация, хом ашё, модернизация, ип-калава, газлама, трикотаж мато, саноат маҳсулотлари, экспорт хажми, айланма маблағлар, ярим тайёр маҳсулотлар, инвестицион муҳит.

Аннотация

В данной статье представлены показатели экономического роста хлопково-текстильных кластеров в регионах нашей страны, а также передовой опыт Республики по управлению развитыми регионами и их применение в других регионах.

Ключевые слова

Готовая продукция, текстильные кластеры, трансформация, сырье, модернизация, пряжа, газ, трикотаж, промышленная продукция, объем экспорта, оборотные средства, полуфабрикаты, инвестиционная среда.

Abstract

VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

This article presents the indicators of economic growth of cotton textile clusters in the regions of our country, as well as the best practices in the management of developed regions and their applications in other regions.

Keywords

Finished products, textile clusters, transformation, raw materials, modernization, thread, yarn threading, knit fabric, industrial products, export volume, working capital, semi-finished products, investment environment.

Кириш

Пахта саноатини трансформация қилиш жараёни тўлиқ тугатилгандан сўнг, тўқимачилик кластерларнинг қайта ишлашнинг тўлиқ занжирига ва юқори қўшимча қиймат хисобланган тайёр маҳсулотларга қаратилган стратегик мақсадлар қўйилди. Бу борада, мамлакатимиз Ҳукумати ва Президент томонидан қабул қилинган кўплаб қарор ва фармонлар негизида тўқимачилик кластерларнинг чуқур қайта ишлашини рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини оширилишида кўплаб имтиёзлар белгилаб берилган. Буларнинг пировард мақсади тайёр маҳсулотлар улушини ошириш ва рақобатбардошлик кўрсаткичларини мустаҳкамлаш ҳамда ички ва ташқи бозорларда соф рақобат муҳитини шакллантирилишига йўналтирилган. Айниқса, бу борада амалга оширилган ишларнинг иқтисодий самараси Республика вилоятлар кесимида намоён бўлиб келмоқда.

Ушбу йўналишда стратегик мақсадларни амалга оширилишида Республиканинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатиб келаётган тўқимачилик кластерларнинг тажрибасини бошқа худудларда ҳам жорий этиш бўйича таклиф ва тавсифлар ишлаб чиқиш муҳим жиҳатлардан хисобланади. Бу борада, айниқса иқтисодий кўрсаткичлари юқори саналган Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятларда фаолият юритиб келаётган иқтисодий салоҳияти юқори ҳисобланган тўқимачилик кластерларининг тажрибаларини бошқа вилоятларга хам жорий этиш масаласи мухим жихатлардан биридир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тўқимачилик кластерларнинг иқтисодий ва экспорт салоҳиятини оширишда олимларнинг бир қанча таклифлари илгари сурилган. Маҳаллий олимларимиздан А.Солиев ва

З.Хакимовлар мақолаларида “Кластер назарияси ва уни амалиётда қўллаётган мамлакатлар тажрибасидан Наманган вилоятида фойдаланиш имкониятлари” келтирилган.[1] Ушбу олимларнинг айнан ушбу худудни танланишига вилоятнинг тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш хажми юқорилигидадир. А.Ш.Бекмуродов ва Янг Сонг Бе “Ўзбекистон тўқимачилик саноати стратегиясини ривожлантиришда кластер ёндашуви” [2] деб номланган монографиясида кластер моҳияти ва уларнинг рақобатбардошлиги, хорижий мамлакатлар, компаниялар ва маҳсулотлар кесимида эришилган натижалар мисоллар орқали кўрсатиб берилган.

Америка олимлари М.Портер “Рақобат услунлиги назарияси” [3], М.Энрайт, С.Резенфельд, П.Маскелл ва М.Лоренценлар “минтақавий кластерлар концепцияси” [4], А.Маршалл “Саноат худудлар назарияси” [5], П.Бекатин “Италян саноат огруглари назариялари”ни илгари суришган. [6] Юқорида қайд этилган хориж олимларнинг назарияларида кластерлар бу рақобат устунлигини амалга оширишда юқори самара ҳисобланиб таълим, фан, технологик, иқтисодий ва бошқа хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти билан уйғунлашган тизими эканлиги таькидланади.

Кластерлар билан боғлиқ жараёнлар ва ҳудудларни ривожлантиришда Россия олимлари Ю.С.Артомонова, Б.Б.Хурусталев [7] томонидан ўрганилган.

Тадқиқот методологияси

Изланиш давомида иқтисодий, статистик, қиёсий таҳлил, хронологик кузатиш ва математик усуллардан фойдаланилди. Шунингдек, маҳаллий ва хорижий олимларнинг мавзу дорасида чоп этилган илмий ишларидан хам фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Таькидлаш лозимки, тўқимачилик саноати дунё миқёсида энг сердаромад ва муҳим йўналишлардан биридир. Сўнгги йиллардаги жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув жараёнларининг ўзгариши Европа ва АҚШдан ривожланаётган Жанубий Америка, Жанубий-Шарқий ва Марказий Осиё минтақаларга етиб келди. Бу эса мамлакатимизда саноатнинг муҳим тармоқлари ҳисобланган тўқимачилик кластерларининг пахтани дастлабки ишлаш, трикотаж ва тикувчилик каби тузилмаларни модернизация қилиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишни тақозо этади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон пахтачилик соҳасини ривожлантиришда Ҳукумат томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хоссатан, Президентимиз

VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

раҳнамолигида кўплаб қарор ва фармонларнинг қабул қилинишининг пировард мақсади ишлаб чиқарилаётган хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни пахта-тўқимачилик кластерлар томонидан чуқур қайта ишлаш натижасида тайёр маҳсулот шаклига келтириш ва уларни экспортга йўналтириш ҳисобланади. Шундай экан, Республиканинг хар бир ҳудудида пахта-тўқимачилик кластерлар фаолиятини такомиллаштириш стратегик мақсадлардан саналади. Умуман олганда, мустақилликнинг дастлабки йилларидан хозирги давргача соҳани ривожланиши учта босқични ўз ичига қамраб олади. Биринчиси, қишлоқ хўжалигидаги пахтани дастлабки ишлаш босқичидаги жараёнлар, иккинчиси, пахтани қайта ишлаш босқичидаги тўқимачилик фабрикалари ва 2018 йилдан пахтани чуқур қайта ишлашга мўлжалланган кластер ёндашувидир.

Сўнгги йилларда соҳада амалга оширилган сифат ўзгаришлардан яна бир муҳим жиҳати Республиканинг барча худудларида пахта етиштириш майдонлари қисқартирилиб, улардан максимал ва интенсив усуллардан фойдаланишни тақозо этиб келмоқда. Бу амалий харакатларнинг барчаси Республика ҳудудларда юқори талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланган холда қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқиш асносида яхлит тизимни шаклланиши билан боғликдир.

Ўзбекистонда тўқимачилик саноати ривожланиб бораётган етакчи саноат тармоқларидан бири хисобланади. Хар йили мамлакатимизда кўплаб тадбиркорлик субъектларнинг айнан ушбу соҳада фаолиятларини бошлашлари соҳанинг тараққий этишига хизмат қилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган 7000 мингдан ортиқ кичик ва ўрта бизнес вакиллари тўқимачилик соҳасида фаолият юритаётган бўлиб, ушбу соҳада банд бўлган ишчи ва ходимлар сони 400 мингдан ошади.

Бунда пахта заводларини трансформация қилиниши ва хом ашё етиштиришнинг интенсив усулларидан фойдаланилди. Қўшимча замонавий агрегатлар, тракторлар сотиб олиниб, пахта тозалаш заводлари модернизация қилинди ва замонавий янги техникалар билан таъминланди. Натижада, кластерлар тасарруфига ўтган заводлар томонидан тола ишлаб чиқариш динамикаси ўсиш сурьатини кузатишимиз мумкин.

Сўнгги олти йилликда тўқимачилик саноатида амалга оширилган ишларнинг натижасида тармоқнинг ишлаб чиқариш қувватлари ортиб, улар томонидан кенг ассортиментга эга бўлган ип-калава, газлама, трикотаж мато ва уларни бўяш-пардошлаш ҳамда тикув маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўплаб корхоналар ташкил этилди. Бугунги кунда Республиканинг барча ҳудудларида тўқимачилик саноатини ривожланиши ўзига хос услубга эга. География жойлашув нуқтаи назардан қаралса, Республиканинг шарқий қисмлари Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларида тўқимачилик

VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

соҳаси билан банд бўлган тадбиркорлик субъектлари шу билан биргаликда қайта ишлаш даражаси юқори ҳисобланиб, Республиканинг бошқа вилоятларга нисбатан тайёр маҳсулотлар улуши хажмининг юқорилиги ушбу вилоятлар хиссасига тўғри келади.

1-жадвал

2018-2022 йилларда пахта-тўқимачилик кластерларининг амалдаги нархларда ишлаб чиқарилган маҳсулот хажми.

млрд. сўм

№	Вилоятлар номи	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
1	Қорақалпоғистон Республикаси		182,6	413,8	894,7	1154,3
2	Андижон вилояти	110,7	322,6	1113,8	1531,6	3009,4
3	Бухоро вилояти		293,2	1767,5	2433,6	2966,9
4	Жиззах вилояти	6,9	247,7	708,7	1384,6	1789,5
5	Қашқадарё вилояти		241,7	496,4	1286,4	3290,4
6	Навоий вилояти	281,7	558,4	732,5	1101,8	1134,5
7	Наманган вилояти		478,5	861,1	1121,5	1345,3
8	Самарқанд вилояти	2,7	279,6	1168,4	1488,9	1796,1
9	Сурхондарё вилояти	56,7	378,6	789,5	1380,6	1756,9
10	Сирдарё вилояти	338,2	369,5	566,6	744,7	1003,9
11	Тошкент вилояти		351,2	393,2	827,7	1060,7
12	Фарғона вилояти	91,4	366,7	1144,3	2102,0	2767,2
13	Хоразм вилояти		301,2	895,4	1678,8	3010,0
14	Тошкент шахри		105,9	246,7	300,6	
Жами:		**888,3**	**4477,4**	**12298,0**	**18277,5**	**26085,1**

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, тўқимачилик кластерларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2022 йилда 26085,1 млрд. сўмни, 2018 йилга нисбатан ўсиш тенденцияси 29 барабарни ташкил қилганлигини кўрсатади. Вилоятлар кесимида Қашқадарёда кластерлар сони ва ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан юқори ўсиш динамикасига эришилган. 2022 йилда амалдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажми

VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

3 290,4 млрд сўмни, 2019 йилга нисбатан ўсиш суръати 13 баробарни ташкил қилган. Шунингдек, Андижон, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларида хам маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми юқори даражага кўтарилган. 2018 йилда Қорақалпоғистон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Тошкент вилояти, Хоразм ва Тошкент шаҳарларда кластерларни молиялаштириш ва лойиҳалаштириш ишлари олиб борилганлиги сабабли кластерлар фаолияти шаклланмаган.

2022 йил маьлумотларига таяниб, Жиззах вилояти кластерлар сони камлиги жихатидан Республикада сўнгги поғонани банд этган. Лекин вилоятда жами 4 та кластерлар фаолият кўрсатганига қарамай, ишлаб чиқариш хажми 1789,5 млрд сўмни ташкил қилган. Бу 9 та кластерларни мужассамлаштирган Сирдарё вилоятидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ўсиш тенденцияси 178 фоизни ташкил қилган. Булар Жиззах вилоятини юқори ишлаб чиқариш самарадорлиги билан биргаликда иқтисодий ўсишнинг интенсив йўлида эканлиги билан изоҳланади. Худди шундай вазият Навоий вилоятида хам кузатилган. Вилоятда 4 та кластерлар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1134,5 млрд сўмни, Сирдарё вилоятига нисбатан ўсиш сурьати 113 фоизни ташкил қилган.

Бундан хам салбий вазият, Қорақалпоғистонда кузатилган. 2022 йилда ҳудуднинг 11 тўқимачилик кластерлар томонидан 1154,3 млрд.сўмлик тўқимачилик маҳсулот ишлаб чиқариш амалга оширилган. Бу, энг паст кўрсаткич хисобланиб, кластерларнинг ип-калава, трикотаж мато ва бўяш, тикув бўлинмаларида модернизация ишларини амалга ошириш, ускуналарни технологик жихатдан янгилаш ҳамда юқори самарадорликка эга инновацион лойихаларни жалб этишни тақозо этади.

2018-2022 йилларда Республика тўқимачилик маҳсулотларининг вилоятлар кесимидаги экспорт хажмининг ўсиш динамикаси келтирилган. 2018 йилда кластерлар ташкил этилгандан буён, 2022 йил якуни бўйича умумий экспорт салоҳияти 2018 йилга нисбатан деярли 3 баробарга кўпайган. Вилоятлар кесимида Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳудудлари юқори хажмда экспортни амалга оширган. Ушбу вилоятларнинг жами экспорти 2022 йилда 2127,7 млн.долларни, Республикадаги умумий экспорт улушида 67,3 фоизни ташкил қилан.

Шубхасиз уларнинг барчасини экспорт қилишга жалб қилиш имконсиз бўлиши мумкин. Бунга сабаб, айрим корхоналарнинг янги ташкил этилганлиги ва якуний босқич циклида модернизация ишлари олиб борилаётганлиги ёки экспорт фаолиятини амалга оширишда етарли миқдорда айланма маблағлар етишмаслиги ҳамда бозорларни эгаллашда маркетинг хизматлари етарлича ташкил этилмаганлиги ва бошқалар таьсир этиши мумкин. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида тикувчилик, чеварчилик ва хунармандчилик касблари бошқа вилоятларга нисбатан сезиларли равишда ривожланган. Мисол учун:

VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

Андижон ва Наманган вилоятларда жойлашган кичик тўқимачилик корхоналар ёки уй шароитида оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган цехлар асосан кооперация услубида ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиб келишади.

Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида жойлашган йирик корхоналар ёки пахта-тўқимачилик кластерлар (тўлиқ занжирга эга бўлганлар мустасно) томонидан чет эл ҳамкорларидан келаётган буюртмаларнинг кўплиги сабабли, экспорт шартномаларини тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида бажарилишини хисобга олиб, улар ярим тайёр маҳсулотларни қайта ишлаш жараёни сифатида кичик бизнес вакилларига тегирмон усулида етказиб бериш хизмати амалга оширилади. Айрим тўқимачилик кластерларда эса қайта ишлаш занжирининг тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги туфайли бошқа тўқимачилик корхоналарига етказиб беришга мажбур бўлишмоқда. Бу хам қайсидир маънода ижобий баҳоланади чунки вақтинча тўхтаб қолган корхоналарда ишчи ўринлари сақланиб қолиниб, корхона фаолияти давом эттирилади. Бу эса нафақат кохона иқтисодиётига балки аҳолининг бандлик ва турмуш тарзининг фаравонлигига олиб келади.

Юқоридагиларнинг исботи сифатида, 2022 йилнинг 11 ойида Ўзбекистон хорижий мамлакатларга 1,1 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган энг кўп тайёр рақобатбардош маҳсулотларнинг Россия, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Беларуссия, Туркия ва Германия давлатларига экспорти тўқимачилик корхоналари ва пахта-тўқимачилик кластерлар томонидан амалга оширилган бўлиб, ушбу кўрсаткичларнинг 514,9 млн. доллари (ёки 47%) айнан Андижон вилояти (338,7 млн.доллар) ва Наманган вилояти (176,2 млн.доллар) хиссаларига тўғри келган.

Энди Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрига тўхталсак, Ушбу худудлар экспорт кўрсаткичлари бўйича қўшаётган салмоқли улуши билан бошқа вилоятларга нисбатан ажралиб туради. Бунда қулай инвестицион муҳит ва инфраструктуранинг мавжудлиги инвесторлар томонидан тўғридан-тўғри инвестиция жалб этилишини кўпайишига олиб келади. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида асосан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган тикув корхоналар бошқа турдаги тўқимачилик корхоналарига нисбатан кўпчиликни ташкил қилганлиги ҳамда маҳаллий тадбиркорлар томонидан хорижий бозорларга чиқишда маркетинг хизматлари бўйича етарлича билим кўникмалари мавжудлиги худудларнинг экспорт салоҳияти оширилишига туртки бермоқда.


Республикада мунтазам равишда тўқимачилик маҳсулотларини катта хажмларда экспортни амалга ошириб келаётган Андижон вилоятига тўхталсак. Ушбу вилоят экспорт хажми бўйича 2022 йилда Вилоятлар миқёсида 18,6 фоиз улушига эга бўлган. Андижонни шундай натижа қайд этилишига тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган

VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

корхонлар сони кўплиги ҳамда тўқимачилик кластерларининг қайта ишлаш занжиридан тўлиқ қувватда фойдаланиши билан изоҳланади.

1-расм

2022 йилда Андижон вилояти тўқимачилик маҳсулотларининг экспорт номенклатураси.



Манба: Муаллиф томонидан тайёрланди.


Юқорида қайд этилган диаграмма маълумотларига биноан, Андижон тўқимачилик маҳсулотлари 2022 йилдаги экспорт номенклатураси келтирилган. Унда вилоятнинг жами экспорти салоҳияти 585,3 млн. долларни ташкил қилган. Шундан, вилоятнинг тайёр маҳсулотлар экспорти 343,9 млн.долларни ёки 58,7 фоизни қайд этган. Бу Республика миқёсида тайёр маҳсулотлар экспорт қилиш бўйича энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Андижон вилояти илгаридан трикотаж тармоғи шу жумладан, майка, футболкалар ва турли хил ассортиментли кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқариш хажми бўйича бошқа вилоятларга нисбатан кенг оммалашганлигини яққол намунасидир. Шу сабабли, экспорт таркибининг асосий қисми трикотаж маҳсулотлари эгаллаган. Республикада 2022 йилда экспорт қилишда юқори кўрсаткичлар қайд этган Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент

VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

вилояти ва Тошкент шаҳарларнинг экспорт номенклатураси қуйидаги динамикада келтирилган.

2-расм

2022 йилда юқори кўрсатгич қайд этган вилоятларнинг маҳсулотлар кесимида экспортининг ўсиш динамикаси.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2-расмда Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳудудлари ҳамда ушбу ҳудудлар томонидан амалга оширилган тўқимачилик маҳсулотларнинг экспорт номенклатураси келтирилган. Маълумотлардан маълум бўладики, маҳсулотларнинг экспорт таркибини ўзига хос равишда хом ашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларга бўлиб таҳлил қилиш мантиқан жоиз деб ҳисоблаймиз. Фарғона вилоятида хом ашё ҳисобланган ип-калава экспорти бошқа турдаги тўқимачилик маҳсулотларига ва бошқа вилоятларга нисбатан энг юқори кўрсаткични қайд этган. Шунигдек, Тошкент шаҳрида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўрсаткичи бошқа турдаги маҳсулотларга қараганда нисбатан паст. Ушбу ҳудудда

VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

асосан, ип-калава ва трикотаж мато экспорти юқорилигича қолган. Иқтисодий ўсишнинг сифат кўрсаткичи тенденцияси Андижон вилоятига тўғри келади. Бу эрда тайёр маҳсулотлар экспортиниг улуши бошқа турдаги хом ашё маҳсулотларга нисбатан уч-тўрт баробар катта эканлиги яққол намоён бўлади.

Шунингдек, Наманган ва Тошкент вилоятларида хам хом ашё маҳсулотлари экспорти босқичма-босқич камайиб, тайёр маҳсулотлар улуши кўпайиб бораётганлигидан далолат беради.

Маьлумки, ип-калава экспорти Республика миқёсида босқичма-босқич чеклаб борилади. Бу ўринда тўқимачилик экспортига доир қабул қилинган ва амалда қўлланилиб келинаётган Ҳукумат қарорлари ва фармонлар ишлаб чиқаришнинг якуний босқичи ҳисобланган тайёр маҳсулотларга берилаётган имтиёзларни ифодалайди. Шу билан биргаликда, хорижий давлатлар билан савдо иқтисодий муносабатларни ривожланиши ва жаҳон бозорларига экспорт қилишда диверсификациясини кенгайишига туртки бўлади. Мисол тариқасида АҚШ ва Европа бозорларига киришда “Cotton Campaign” халқаро коалитса томонидан маҳаллий пахтамиздан бўлган тайёр маҳсулотларни сотиб олишга бўлган таьқиқ олиб ташланиши бугунги кунга келиб, маҳаллий тадбиркорларимиз томонидан органик пахтадан бўлган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга бўлган мотивация ортишига ҳамда янги бозорларга кириб борилишига қаратилган десак муболаға бўлмайди.

Хулоса ва таклифлар

Пахта саноатини трансформациялаш ва тўқимачилик саноатини кластерлаштириш жараёни сўнгги беш йилликда Республика вилоятларини иқтисодий ривожлантирилишига туртки бўлди. Бу борада, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳияти юқори ҳисобланган худудлар тажрибаларини бошқа вилоятларда амалиётга жорий этиш лозим бўлади. Айниқса, Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларида илгаридан шаклланган касб эгалари хисобланган тикувчилик ва чеварчилик соҳаларида етук тажриба мавжудлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлиги юқорилиги ҳамда тайёр маҳсулотларга ихтисослашган корхоналар сони кўплигини инобатга олсак бошқа вилоятларга хам айнан шундай бошқарув жараёнини амалга оширишни тақозо этади.

Шу билан биргаликда, тўқимачилик саноати ривожланган худудларнинг бошқа вилоятларда тадбиркорлик салоҳияти ва худудларнинг экспорт салоҳиятини оширишда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда кооперацион методларни қўллашни жорий қилиш. Булар вақтинча ишлаб чиқариш фаолиятини тугатган ёхуд банкрот холатига тушиб қолган корхоналарни қайта тикланишига сабаб бўлади.

VOLUME 5, ISSUE 1, 2023

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Солиев ва З.Хакимовлар “Кластер назарияси ва уни амалиётда қўллаётган мамлакатлар тажрибасидан Наманган вилоятида фойдаланиш имкониятлари” “Бизнез-эксперт”журнали 2014 йил 1-сон, 52-57 бет.
2. А.Ш.Бекмуродов ва Янг Сонг Бе “Ўзбекистон тўқимачилик саноати стратегиясини ривожлантиришда кластер ёндашуви”. Монография, 2006 йил, 112 бет.
3. Портер М.Международная конкуренция. –М.: Международные отношения, 1993. С.51.
4. Enright, M (1996) “Regional Clustersand Economic Development: A.Research Agenda”, in Staber, U.,Schaefer, N. And Sharma, B, (Eds). “Business Networks: Prospects for Regional Development, Berlin”. Walter de Gruyter, p.190-213.
5. Маршалл А. Принципы экономической науки, I-III. Пер. с англ.- М.-Издательская группа “Прогресс”, 1993
6. П.Бегаттин- Becattini G. From Marshalls to the Italian “Industrial Districts”/ www.copetitivness.org
7. Кластерные политики и кластерные инициативы: теория, методология, практика. (Коллективная монография). Минобразования и науки РФ, Минэкономразвития РФ, Правительство Пензенской области. Пенза-2013.

WORDLY
KNOWLEDGE